Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 2 (65975) 1997 йил, 4 январь, шанба | Сотувда эркин нархда

Толиб ЙЎЛДОШ

ЯНГИ ЙИЛГА ЮКЛАМА

Янги йилга юклама
Зўр орзу- ўйлар.
Буюк ишлар якуни
Севинчлар, тўйлар.

Ғалабалар, қутловлар
Нечадан-неча.
Бел олишар
меҳнатда,
Кундуз-ла, кеча.

Лаҳзалардан
ой-йиллар
Тежалар унар.
Эртамизнинг
заҳматкаш
Эрлари булар.

Ҳар соҳада
тадбиркор,
Ва ишбилармон.
Янгиликлар ишқида
Яшар беармон.

Ўқишда ҳам, ишда
ҳам
Олға одимлар.
Мустақил Ватанимиз
Фахри— одамлар.

Янги йилни янгича
Кутиб олишган.
Келажакнинг муборак
Тонги ёришган.

Сидқидил меҳнат
билан,
Чиқишар пешвоз.
Қанча мақтовин
қилсак
Шунча таъриф оз.

Янги йилга юклама
Бахт ва омадлик.
Элга тинчлик,
ободлик
Соғ-саломатлик.

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИНИ АРДОҚЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Фармонда ёш авлодни халқимизнинг бой маданий меросига ҳурмат, мусиқа ва санъат, умуман гўзаллик оламига муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги энг муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилди. Жумладан мусиқий таълим машғулотлари учун замонга мос махсус ўқув дастурларини тайёрлаш, мусиқа ўқитувчилари, тарбиячиларнинг меҳнатини қадрлаш, шарт-шароитларини яхшилаш, миллий мусиқа чолғу асбоблари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш ишларига бундан буён алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва бошқа алоқадор ташкилотларнинг мазкур Фармон ижросига жадал киришуви лозимлиги таъкидланган.

ГОЛИБЛИК МУБОРАК!

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармасида Ўзбекистон миллий Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилган куриқ-викторина якунларига доир тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур викторинага республикамизнинг турли бурчакларида яшаётган минглаб ёшлар фаол иштирок этдилар. Жуда кўп, турли-туман ва қизиқарли саволлар тарқатилди. Олинган жавоблар эса ёшларимизнинг она Ватанимиз тарихи, бугунги куни, миллий истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, режа ва мақсадлар юзасидан пухта назарий билимга эга эканини кўрсатди.

Викторинада Усмон Ғафуров биринчи ўринни олди. Самарқандлик ёшлар иккинчи ўринни, Қашқадарё вилояти ёшлари вакиллари эса учинчи ўринни эгалладилар. Йиғилиш сўнгида ғолибларга махсус соврин ва совғалар улашилди.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Гулистон шаҳридаги «Гулшан» усмирлар ижод уйига йиғилган болажонлар Янги йил томошаларидан беҳад мамнун бўлишди. Театрлаштирилган арча байрами қатнашчилари даврасида меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, шунингдек, ногирон ука-сингилларимиз бор эди. Санъаткорларнинг маҳоратли чиқишлари улар кўнглида унутилмас таассурот қолдирди. Айниқса, кеча сўнгида болажонларга Ўзбекистон Президентининг байрам совғалари улашилгани ҳаммани тўлқинлантирди. Жиззах, Фарғона, Термиз, Наманган ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтган Янги йил тантаналарида ҳам юртбошимизнинг махсус совғалари тарқатилиб, болажонларга олам-олам қувонч улашилди.



КЕЛАЖАКНИНГ БУЮК СУРАТИ

Болажонларимизнинг орзиқиб кутган таътил кунлари бошланди. Кимдир бобосиникига қишлоққа, яна кимдир байрам сайлларига ошиқади. Сиз ўйламанг, ҳамма болалар таътилни дам олиш завқи билан ўтказади, деб. Сирдарё вилоятидаги Ҳ.Олимжон номли 7-ўрта мактабда адабиёт тўгараги ташкил этилган бўлиб, бу тўгаракни тил-адабиёт ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Насиба Ўринбоева бошқаради. Қишки таътил бошланган бўлса ҳам адабиёт тўгараги аъзолари севимли опалари олиб бораётган машғулотларни қолдирмайдилар.

Насиба опанинг адабиёт дарсини замонавий усулда олиб бориши болаларда катта қизиқиш уйғотган. Ҳатто уларнинг ичида яхшигина шеър ёзадиган ўқувчилар ҳам бор.

— Мен ҳар бир ўқувчининг юрагида ёнаётган чўғни кўриб тураман, — дейди опа. — Бу чўғ шуъласида уларнинг етилиб бораётган маънавиятлари кўринади.

Дарвоқе, бу янги 1997 йилнинг ҳар бир сониясини қадрламоғимиз, юракдан чуқур ўрин олажак маънавият сабоқларини, меҳр, садоқатни, Ватан келажагининг буюклигини ҳис қилишимиз ва англамоғимиз даркор.

Бу англаш, бевосита адабиёт, санъат, маданият дарслари асосида бўлади.

— Қани, болалар, машғулотга тайёрмисизлар? Бугунги дарсимиз XVIII асрда яшаб ижод этган шоира Нодирабегим ҳақида бўлади.

Насиба опа эзгу ҳиссиётлар ичида навбатдаги машғулотни бошлайди. Барча ўқувчилар диққат билан опанинг ёниқ сўзларига қулоқ тутади. Опа болалардаги интиқлик қизиқишни юракдан сезиб туради. Зеро, бу интиқликда келажакнинг буюк сурати яшайди.

Азиз газетхонлар! Сизларни ҳам ушбу тўгарак машғулотига таклиф этмоқчимиз. Айтинг-чи, Нодирабегимнинг дадаси ким бўлган? Унинг яна қанақа тахаллусларидан хабарингиз бор? Ўғилларининг номларини айтиб бера оласизми? Саволларимизга тўғри жавоб берсангиз, Сизни сирли совға кутади.

ЮЛДУЗХОН.



Суратқаш: Х.ЗУЛФИҚОРОВ.

Мактаб саҳнаси учун

Азиз болажонлар, севимли байрамингиз янги йил ҳам кириб келди. Шу муносабат билан драматург Ҳайитали Низомиддинов, Ҳабибулло Каримовларнинг «Ваққос ва Паққос»нинг янги йил саргузаштлари» драмасини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Ҳали бирор саҳна юзини кўрмаган бу янги драма анчадан буён сизларни орзиқиб кутаётган мактабингиз саҳнасидан муносиб ўрин эгаллайди.

Болажонлар, янги, қизиқарли драмани мактаб саҳнасига олиб чиқишга шошилинг. Ўйлаймизки, бу сизни, ўртоқларингизни беҳад хурсанд қилади.

Паққос ва Ваққоснинг янги йил саргузаштлари

Бизга ёзадилар

ЯНГИ ЙИЛ РЎШНОЛИК КЕЛТИРСИН

Синфхона ўқувчилар билан гавжум. Кимдир шеър ёдласа, кимдир байрамга тиктирган кўйлагини мақтайди. Синф раҳбаримиз Нигора опа арча безатаётган ўқувчилар билан банд. Харид этилган арча ўйинчоқлари ҳам илинди. Лекин муаллиманинг кайфиятида ўзгариш пайдо бўлди. Ўйинчоқларни қайта санади. Ўзига ишонмай, Дилфуза, Мунисларга ҳам санатди. 30 та ўйинчоқдан 23 таси арчада, 7 таси эса йўқ эди. Болалар, арча ўйинчоқларимизга кимдир байрам ҳазили уюштирибди. Ҳазилкаш дўстимизга ўзимизнинг байрам совғамиз бор. Шунда барча ўқувчилар гур этиб охирги партада китоб ўқиб ўтирган Яхёга қарашди. Бу сирли, лекин ошкор қарашларнинг боиси ўтган йили ҳам 2 та ўйинчоқ кам чиққанди. «Ким олди?», — деган савол жавобсиз қолган. Танаффусда икки ўқувчи барчани ташқарига чиқариб, ҳар бир ўқувчи сумкасини қараб йўқолган икки ўйинчоқни Яхёнинг сумкасидан топишганди. Шундан буён, синфда нима йўқолса, Яхё балогардон. Лекин Яхё бу сафар чидаб туролмади. Ўрнидан туриб, доскага чиқди.

— Нигора опа, болалар, аввало ўтган йили сўроқсиз олган 2 ўйинчоғим учун узр сўрайман. Барчаларингга маълум, оилада катта фарзандман. Ўтган йили янги йил арафаси дадам оламдан ўтиб қолди. Дадам маъракасини ўтказаётган кунларимизда укаларимни овутмоқ учун олгандим ўша ўйинчоқларни. Лекин, бир йилдан буён синфда нима йўқолса, юрагим қалтирайди. Сезган бўлсаларингиз, дарсга ҳаммадан кейин келиб, барвақт кетаман. Ишонинглар, бу сафарги ўйинчоқларни мен олганим йўқ. Дадамнинг пок руҳлари ҳурмати мен олмадим...

Яхё сўнгги сўзларини йиғлаб, минг афсус билан айтди. Югуриб бориб, сумкасини парта устига ағдарди. Бўш сумкани кўтарганча, синфдан отилиб чиқиб кетди. Нигора опада ҳам, синфдошларда ҳам Яхёни тўхтатишга кучу, ирода қолмаганди. Илойим, янги йил ҳаммага рўшнолик келтирсин!

Мадина МАҲМУДЖОН қизи,
Андижон вилояти.

Биринчи кўриниш

Саҳнада ўрмон манзараси. Саҳна ўртасида чиройли қилиб безатилган каттакон арча шохларида турли-туман ўйинчоқлар жилоланади. Қор учқунланади. Мусиқа садолари остида қор парчалари рақсга тушиб, чиқиб келишади. Рақс тугашига яқин шовқин-сурон билан қор парчаларини тум-тарақай қилиб, Ваққос ва Паққослар кириб келишади. Иккиси қизиқчи-масхарабозлар кийимида. Қўшиқ куйлаб, кувнашади.

ИККАЛАСИ: — Думалаб-думалаб кетоман,
Думалаб кетсам қайтоман.
Ширинликлар кўп бўлса,
Тинмай қўшиқ айтоман.

ВАҚҚОС: — Роса бопладикми, а, Паққос?

Бизни қутлайдилар

Болалик — „бол"лик давр, унинг ширин таъмини умрининг охирги дақиқаларига [?] сақлаган одам бахтиёрдир.

Т. Маҳмудов
„Гулистон" журнали бош муҳаррири

ПАҚҚОС: — А-ҳа, нимасини айтасан! Энди роса «Сникерс»у, «Марс»ларга, живачкаю, «Тик-так»ларга тўядиган бўлдик-да!

ВАҚҚОС: — Менга қара, энди қандай қилиб Янги йил кутишаркин-а?

ПАҚҚОС: — Қанақа қилиб кутишарди, йиғлаб-йиғлаб яна эски йилни кутиб олаверишади-да! Нима дединг, а? Ҳа-ҳа-ҳа!

ВАҚҚОС: (тўсатдан залдаги болаларга кўзи тушиб) — Тўхта, тўхта, бу ёғи қовун тушдику!

ПАҚҚОС: — Қовун бўлса олиб кел, бир туширай, ҳа-ҳа-ҳа!

ВАҚҚОС: — Ҳозир тумшуғингга бир тушираман! (Болаларни кўрсатиб) Анаву ёққа бир қара! Энди нима қиламиз?

ПАҚҚОС: — Нима қиламиз эмиш, совғани оламизу жуфтакни ростлаймиз.

ВАҚҚОС: — Ҳой, қанақа гўлсан, ахир ҳеч ким келмаптию! На Қорбобо бор, на Қорқиз. Кимдан совға оламиз? Кейин улар ҳам «Ма, совғани олақол» — деб шундоқ бервоpишмайди, билдинг?

ПАҚҚОС: — Нима қилсак совға беришади?

ВАҚҚОС: — Бирон бир ўйинми, ашуламми, шеърми айтиб бериш керак! (Ўйланиб у ёқ-бу ёққа қарайди).

ПАҚҚОС: — А-ҳа, топдим!

ВАҚҚОС: — Нимани топдинг?

ПАҚҚОС: — Нимани бўларди, шеърни-да! Мана, эшит:
Қўлингда тўр,
Доскада бўр,
Аканг қарағай,
Ҳаммадан зўр!

Бизга ёзадилар

Соғликни соғломликда асра

Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида кўп тармоқли янги поликлиника ишга туширилди. Шифохона энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Саломатлик посбонлари бу ерда ҳар куни камида 150 нафар беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатадилар. Шунингдек, 10 ўринли кундузги стационар ҳам ишлай бошлади. Умуман, ушбу муассаса хизматидан яқин-атрофдаги қишлоқларда яшовчи 23 минг аҳоли баҳраманд бўлади.

Қалай, зўрми?

ВАҚҚОС: — Даб-да-ла! Тўрда бўр нима қилиб юрибди? Буниси бўлмайди.

ПАҚҚОС: — Бўлмаса мана бунисини эшит:
Уч бақалоқ,
Калла япалоқ.
Баъзи болалар
Ўқишда қолоқ!

ВАҚҚОС: — Буниси тузук. Чидаса бўлади. Яна борми?

ПАҚҚОС: — Бор бўлганда қандоқ! Мана бу каллада ғиж-ғиж бўлиб ётибди.Эшит:
— Бурни пучук,
Тили чучук,
Кўчада ётибди
Катта кучук.
Ёқдими?

ВАҚҚОС: — Ол-ла, топган шеърингни қарою, кучук ҳам пучуқ бўладими? Унақада қандай қилиб вовуллайди?! Йўқ, бўлмади. Кел, яхшиси Қорбобо, Қорқизлар келгунга қадар битта ўйин тайёрлаб турамиз.

ПАҚҚОС: — Э, йўқ, мен яна қути бўламанми?

ВАҚҚОС: — Йўқ, бу гал қути бўлмайсан, бошқа ўйин топиб қўйганман. Мана бу ерда сен қўлингни орқага қилиб тур. Мен сенинг қўлингга учига живачка боғланган қармоқ бераман. Агарда сен тишинг билан живачкани ушлай олсанг, у сеники. Розимисан?

ПАҚҚОС: — Ростданми, ундай бўлса розиман. Бунақа ўйинлар менга чўт эмас.

Ваққос Паққоснинг қўлига живачка боғланган қармоқни беради. У живачкани тиши билан ушлаб олмоқчи бўлади. Лекин эплай олмайди. Паққос болаларни ёрдамга чақиради.

ВАҚҚОС: — Э, йўқ, ғирром экансизлар. Менда бошқа ўйин бор. Сен мана бу ерда турасан, Копток туширадиган тўр бўласан! Мана бу айланага ўрнатилган тўрни ушла. Мен унга уч марта копток тушираман. Агарда туширолмасам, конфет сеники. Келишдикми?

ПАҚҚОС: — Келишдик.

Ваққос унинг қўлига тўрни беради, ўзи беш қадам наридан тўрга копток туширишга ҳаракат қилади. Лекин ҳар гал худди чалғиган киши бўлиб, коптокни тўрга туширмайди. Ёрдамга болалардан бирини чақиради.

ВАҚҚОС: — Э-э-э, роса ғирром экансизлар, сизлар билан ўйнамайман. Келинглар, яхшиси, Қор қизни чақирамиз! Ҳаммамиз бараварига!

БОЛАЛАР: — Қорқиз! Қорқиз!

Майин куй чалиниб, қор парчалар қуршовида Қорқиз кириб келади:

ҚОРҚИЗ: —(куйлаб)
Қор парчаси келақол,
Сингилгинам елақол.
Чана учган қизларга,
Сен сирпанчиқ бўлақол.

Мен ҳам бирга келайин,
Шаҳар узра елайин.
Дўстлар чана учсин деб,
Қор уюмин уяйин.

Қор қизиман, қор қизи,
Қор учқунлар юлдузи.
Дўстлар мени кутмоқда
Қишнинг туни-кундузи!

— Ассалому-алайкум, азиз болалар, ширин-шакар дугонажонларим! Бугун сизларни янги йил байрамларингиз билан қутлаётганимдан жудаям хурсандман. Янги йилимиз сизларга кўпдан-кўп шодлик, хурсандчилик ва энг кераклиси мустаҳкам соғлиқ олиб келишига тилакдошман! Қорбобо ва янги йил негадир кеч қолишаяпти. Ҳадемай улар ҳам келиб қолишади. Улар келгунларига қадар биз, арчамиз атрофида давра қуриб ашула айтамиз. Ахир бу йил сизлар, мустақил юртимиз ҳақидаги конкурсларда қатнашиб, жуда кўп янги ашулалар ўрганган-сизлар, тўғрими? Қани болалар, даврани кенгроқ олинглар.

Бизни қутлайдилар

Ватанимиз, миллатимизнинг умиди Сизлардан, азиз болалар! Ватанпарвар, миллатпарвар бўлиб етишинг! Янги йилда барча орзуларингиз рўёбга чиқсин!

Аҳмаджон Мелибоев,
„Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири.

ВАҚҚОС: — Тўхтанглар, тўхтанглар. Бизлар ҳам ашула айтиб...

ПАҚҚОС: — Совға олмоқчимиз.

ҚОРҚИЗ: — Ие, ажойиб бўлди-ю а, болалар? Сизлар кимсизлар? (Қорпарчалар унинг қулоғига пичиллашади) Шунақа денглар? Хўш-хўш бизга қанақа ашула айтиб бермоқчисизлар?

ПАҚҚОС: — Қўшиғимиз жудаям зўр.

Иккаласиям қулоқларига плейер тақиб олишади. Замонавий қўшиқ бошлашади.

ПАҚҚОС: — (тугатиб) Қани совғани чўз!

ВАҚҚОС: — Эй, нимага қўлингни чўзасан?

ПАҚҚОС: — Чўзаман-чўзаман, қўлини чўзганларга совға беришади!

ВАҚҚОС: — Тушир қўлингни!

ПАҚҚОС: — Туртма, бўлмаса ҳозир ҳаммасини айтиб бераман! Ҳо-ой мана, биласизларми, а-на-қа, ян-ги йил-ни...

ВАҚҚОС: — (унинг оғзини қўли билан бекитиб) Жим бўл галварс!

ПАҚҚОС: — Ҳа-а-а, қўрқмас экансана, агарда музқаймоқ ёки «Марс» олиб бермасанг, сениям сотаман, ўзимниям сотаман! (бақириб) Болалар! Қорқиз! Мана бу Ваққос, ано-ви янги йилни-чи.

ВАҚҚОС: — Бўлди-бўлди, олиб бераман!

ПАҚҚОС: — Ик-кита... йўқ! (бармоқларини кўрсатиб) Мана шунча!

ВАҚҚОС: — Хўш, бунинг нечта?

ПАҚҚОС: — (Қорқизга) Манави қанча айтвор?

ҚОРҚИЗ: — Вой, жудаям ғалати бола экансан, буни ҳатто биринчи синф болалариям билишади. Қани болалар, айтиб юборинглар-чи.

БОЛАЛАР: — Бешта.

ПАҚҚОС: — Узим ҳам биламан, фақат сал эсимдан чиқибди-да! Айтгандай, иккита кўпми, бештами?

БОЛАЛАР: Бешта!

Шу пайт, шамол ва изғирин овози эшитилади. Чанага қўшилган отлардаги қўнғироқчаларнинг овози. Қор бобо кириб келади.

ҚОРБОБО: — (куйлаб) Қор қопланди заминга,
Мен келаман таъзимга.
Болаларни табриклаб,
Катталарни хай-хушлаб.

Совға бергум улашиб,
Ҳамма билан сўрашиб.
Совғам сизга чин дилдан,
Табрик этгум кўнгилдан.

— Ассалому-алайкум, дўмбоқчаларим! Ширин-шакар қўзичоқларим! Мен сизларни жуда-жуда соғиндим! Сизлар ҳам мени соғиндингизми? У-ҳў буни қаранглар-а, ҳаммаларингиз кап-катта қизчалар, йигитчалар бўлиб қолибсизлар-ку?! Хўш, Қорқиз набирагинам, байрамимизни бошладикми?

ҚОРҚИЗ: — Ассалому-алайкум бобожон! Биз болалар билан биргаликда сизни пойлаб турувдик. Арчамиз безатилган, болаларнинг ҳаммаси тўпланишган. Бошласак ҳам бўлади, лекин негадир ҳалигача янги йилдан дарак йўқ!

ҚОРБОБО: — Болажонларим, сизлар хавотир олманглар! Мен янги йил набирамни муз саройимга жўнатгандим, қарилик қурсин, у ерда сеҳрли «Билимлар китоби»ни унутиб қолдирибман. Йўлулакай ўрмондаги барча жониворларни ҳам арча байрамимизга таклиф этмоқчи эди. Ҳали замон келиб қолади.

ҚОРҚИЗ: — Бўлмасам бобожон, янги йил келгунга қадар биз болалардан чиройли шеър, ашулалар тингласак. Совғалар улашсак, нима дейсиз? Кейин мана бу болалар бизга ёрдам бериб туришади. (Ваққос ва Паққосга қараб). Розимисизлар?

Шу сўзлардан кейин, болалар шеър, ашула, топишмоқлар айтишади. Тўсатдан Ваҳима кириб келади.

ВАҲИМА: — Вой дод! Яна дод! Вой-вой-вой! Яна бир марта дод!

ҚОРҚИЗ: — Ие, нима гап, нима бўлди?

ВАҲИМА: — Байрам тамом бўлди, расво бўлди! Янги йилни ўғирлаб кетишди! Вой дод!

ҚОРБОБО: — Шошма-шошма. Ваҳима қилмасдан гапир-чи. Нима бўлди?

ВАҲИМА: — Нима бўлди? Янги йил йўлулакай ўрмондаги қушларни, олмахону қуёнларни арча байрамига таклиф этмоқчи бўлиб кетаётганди. Пўпанак девнинг айғоқчилари бундан хабар топишиб, уни ўғирлаб кетишди. Уз кўзим билан кўрдим, янги йил бечора чунонам дод солиб бақирдики, бу бақириқдан тоғлар қулаб, қулоқлар қоматга келиб, юраклар эзилиб, вайронага айланди. Кўзлардан эса челаклаб ёш оқиб, ҳамма ёқни сел босиб кетди!

Бизни қутлайдилар

Азиз болажонлар!
Янги йилда барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин!

„Туркистон"чилар номидан,
Абдуқодир Ниёзов [?]

(Ваққос ва Паққосни кўрсатиб).
Мана булар бўлса, айғоқчиларга ёрдам беришди.
Вой дод, яна икки марта дод!

ҚОРҚИЗ: — Шулар-а? Шу гап ростми?

ҚОРБОБО: — Нима ўчун бундай қилдинглар, а?

ВАҚҚОС: — Бобожон, ҳаммасига манаву очкўзочофат айбдор! Унга хоҳлаганингча ширинликлар берамиз дейишувди, у дарров рози бўлди.

ПАҚҚОС: — Нима-нима, вой чақма-чақарей! Музқаймоқ ҳам олиб берасизларми деган ким эди а? Менми ёки сенми? (Улар жанжаллашиб кетишади. Қорқиз уларни ажратмоқчи бўлади. Қулоқ ҳам солишмайди. Шунда Қорбобо ишораси билан уларни қор парчалар ўраб олишади. Қорбобо сеҳри билан улар совуқдан қалтирай бошлашади. Шамол ва изғирин овозлари кучайиб боради).

ҚОРБОБО: — Хўш энди қалайсизлар,а, мен сизларнинг бундай одобсиз, тўполончи, чақма-чақар бўлганлигингиз учун ҳозироқ музга айлантириб қўяман.

ВАҚҚОС: — (қалтираб). Бобожоҳ, бизни кечиринг, энди сираям бундай қилмаймиз!.. Чин сўзимиз!

ПАҚҚОС: — (қалтираб). Бизни музлатманг Бобожон! Агарда рухсат берсангиз, хатомизни тузатиш учун, янги йилни ўзимиз қутқазиб келамиз!

ВАҲИМА: — Вой дод! Вой-ву! Музлаб қолишяпти! Вой-вой (бекиниб олади).

ҚОРҚИЗ: — Бобожон, келинг буларни кечирайлик. Майли ўзлари қилган хатоларини ўзлари тузатишсин. Нима дейсизлар болалар?!

БОЛАЛАР: — Кечирайлик Бобожон!!!

ҚОРБОБО: — Майли, болажонларим, сиз айтганча бўлақолсин. Лекин Пўпанак билан олишиш жудаям қийин бўлади. Чунки улар бизнинг сеҳрли «Билимлар китоби»мизни ҳам қўлга туширишган. Китобни тезда қайтариб, янги йилга ёрдам беришимиз керак.

Иккаласи: — Биз албатта ёрдам берамиз.

ҚОРБОБО: — Бўлмаса сизлар тезда йўлга тушинглар. Мана бу бужурни олинглар, ўрмонда сизларга энг яқин йўлни кўрсатиб беради. Биз ҳам Қор қизим билан Муз саройимдаги чақмоқ ва момақалдироқ солинган қопни олиб, болалар билан тезда етиб борамиз.

ВАҚҚОС: — Қани, бужурни ташла, йўл кўрсатсин!

ПАҚҚОС: — Бужуржон, кетмай фурсат,
Бизга тўғри йўл кўрсат!

(Изғирин шамол овози. Ҳаммалари чиқиб кетишади).

(Ваҳима бекинган жойидан чиқиб, шошилиб бошқа томонга кетади).

(Қор парчалар мусиқа оҳангига мос ҳаракатлар билан чиқиб кетишади. Чироқ хиралашиб, қоронғулик тушади).

ПАРДА

(Давоми бор)

Бизга ёзадилар

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Янги йил куни оиламиз билан бувижонимникига йўл оламиз. Бувижоним Фарғона шаҳрида яшайди. Бугун ҳам шундай бўлди. Бувим бизни роса соғинган эканлар. Янги йил совғаларини набираларим келиб қолар, — дея олиб қўйибдилар. Бувижоним ҳовлиси фурсат ўтмай, қариндош-уруғларга тўлиб кетди. Чунки, бу тўпланишнинг боиси бор, албатта. Янги йил куни Зебунисо бувижоним 90 ёшларини нишонладилар. Бу йиғинда барча меҳмонлар ўйнаб -кулдилар. Ширин тилаклар айтилди. Бувижонимга янада узоқ умрлар тиладилар. Бувижоним эса дастурхон устида қўлларини фотиҳага очиб: «Илойим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз нурафшон бўлаверсин», — дея узоқ дуо қилдилар. Бувим айтганидек, юртимиз тинч бўлсин. Шундагина биз доимо қувноқ ва шодон, ғам сезмай яшаймиз. Ёруғ хоналарда ўқиб, театр, цирк томошаларида бўламиз. Хуллас, тинчлигимиз — бизнинг бахтли ҳаётимиздир. Бу ҳаётни эса қадрига етмоғимиз керак. Янги йилда ҳар бир хонадонга бахт ва омад ҳамроҳ бўлсин!

Ёлқинбек ЁДГОРБЕК ўғли,
Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани
7-синф ўқувчиси.

Ботирлик шаҳар олар

ОЛАМНИ ЁРИТГАН ҚИЛИЧ

(Боши ўтган сонда)

САЙИД ФАРАЖ

КИЧИК ҚЎМОНДОН

Темур ўз яқинлари ва ўртоқларидан бир нечасини синовдан ўтказиб, сўнг улар билан дўстлашди. Ўзига садоқатли бир тўда ботир ва мард йигитлардан кичик гуруҳ тузди. Улар билан шаҳар ва қишлоқларга, қир-адирларга саёҳат қилди. Отларини кишнатиб, минглаб чақирим тоғу водийларни кесиб ўтар, ҳафталаб саҳро-чўлларда юрар, савдогар ва сайёҳларнинг қизиқ-қизиқ саргузаштларини тинглар, сафар таассуротларидан баҳра олар эди. Гоҳо улар билан бирга шатранж (шахмат) ўйнаб, ортига қайтарди. Кичик беклари билан буюк ишлар тўғрисида фикр қиларди.

Темурбекнинг мақсади Самарқандга бориб, Мовараннаҳр ҳукмдори амир Қозағон



билан учрашиш эди.

Темурбек энг чопқир отларни танлади. Ўзи билан хизматкори Абдуллоҳни йўлдошликка олди. Хон бу чавандоз йигитни яхши кутиб олди. Унинг сўзларига ва кучига қойил қолиб, синов муддати белгилади. Ўзининг яқин одамларидан Темурнинг мерганлигини, ботирлигини ва ўзига бўлган эътиқодини билиш учун кузатувчилар қўйди. Темур қўшинга тартиб бериш, турли тадбирлар ўтказиш, баҳодирлик машқларини бошлаб юборди.

Бир куни баъзи мўғул аскарлари чегарага ҳужум қилиб, барча отларни йигиб, олиб қочмоқликни ихтиёр қилганлиги воқеаси хоннинг қулоғига етиб келди. Ҳоким Темурбекни амалда синаб кўриш вақти келганлигини ҳис қилиб, уни ҳузурига чақирди. Унга вазифанинг муҳимлигини уқтирди. Тезкор отлиқ йигитлардан қўшиб, уларнинг орқасидан жўнатди. Темурбек учқур отлар билан тезликда уларга етиб олди-да, барчасини қилмишларига яраша жазога гирифтор этди. Қайтганидан кейин унга ва шерикларига мукофотлар берилди. Темурбекка хон Қозағоннинг ўзи шахсий камони ва ўқдонини ҳадя этди.

Темурбек хон билан учрашганидан кейин муҳим нарсага эришди: Биринчидан, хоннинг невараси — чиройли, ақлли, Улжон Туркон оғога уйланди. Иккинчидан, мингбошилик мансабига эришди.

Темурбек ҳақиқий қўмондон сифатида минг аскар билан амалий машғулотлар ўтказа бошлади. У тарих кўз ўнгида ва одамлар гувоҳлигида саркардалик майдонига кирди ва уни муносиб равишда уддалади. Темур улуғ мақсадлар йўлида турган эди. Шу боис Амир Темур ўша вақтда туғилган фарзандини Жаҳонгир, яъни «Олам подшоҳи» деб номлади.

(Давоми бор)

САХОВАТ ФАЗИЛАТДИР

Бўстон

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан саховат не, деб сўрадилар. У киши шундай жавоб бердилар:

— Қайси киши силаи меҳр раҳм қилиб қариндошларига садақа ва фақирларга бирор нарса беришни канда қилмаса, илло Аллоҳ таоло унинг камбағалчилигини зиёда қилади. Илло, бойлик молнинг кўплигида эмас, кўнгилнинг тўқлигидадир.

Абу толиб айтадилар:

— Эй, фарзанд, балоғат ёшига етдинг. Сенга Аллоҳ таоло томонидан юборилган илмдан, фазилатдан, менинг йўриғим туфайли баҳраманд бўлдинг. Насиҳатим, билимингни ўзгалар билан баҳам кўришни, фазилат гавҳарини кўнгил кулбасида сақламасликни шарт деб бил. Илминг зиёда бўлур, фазилатингга фазилат қўшилур.

Ҳикоят

Бобил элида икки зиёли бор экан. Бирининг ҳурмат эътибори арши аълода, бириники эса аросатда экан. Иттифоқо, бир машваратда иккиси ҳамсуҳбат бўлиб қолибдилар.

Иккинчи зиёли биринчисига шундай савол берибди:

— Дўстим, бир устознинг таълим-тарбиясини олдик. Бир чашмаи саховатдан баҳраманд бўлдик. Локим, сенинг йўриғингни меникига сира таққослаб бўлмас.

Зукко одам ўйланиб қолибди. Дўстига у ҳам савол берибди:

— Устозим мустақиллик берганидан сўнг неча йиллар ўтди. Шу фурсат ичида неча шогирд сен тўплаган тажрибадан, билимдан баҳраманд бўлди?

Савол жавобсиз қолибди.

Биринчи олим дўстини ҳижолатдан қутқармоқ мақсадида сўз бошлабди:

— Кейинги ҳафта, жума намозидан сўнг, шогирдларинг билан хонадонимга марҳамат қил, хизматингда бўлай, суҳбатлашайлик.

Айтилган кунда иккинчи олим икки йигит билан зукко зиёлининг уйига меҳмон бўлиб келибди. Меҳмоннинг таассуфи шу бўлдики, зиёфатда эътиборли фозиллар билан ўрта поғонадаги кишилар ҳам ўтиришарди. Эл ҳурматида бўлган киши фақир ва фуқаролар даврасида анжуман қуриши, таъмадди қилиши уни ажаблантирди. Иттифоқо, ташқари дарвоза тақиллаб, суҳбат бўлинди. Олимнинг ишораси билан мулозимлардан бири кўча томонга кетди ва бир гадо ва олти ёшлардаги ўғлини бошлаб кирди. Олим меҳмонлар борлигини бир неча дақиқа унутиб, диққатини гадога қаратди:

— Эй, мўмин, кел биз билан тамадди қил, сўнг илтимосингга қулоқ тутурман, — деди ва пойгакдан жой кўрсатди. Бир пиёла чой узатди. Гадо очлик дардидан ҳалос бўлгандан сўнг, унга сўз берди:

— Тақсир, илло, умрингиз янада зиёда бўлгай. Ҳузурингизга бир илтижо билан келдим. Мана шу ўғлим мен каби гадолиг кўчасига кирмасин, сиз каби фазилатли бўлсин.

— Гапларинг мен учун муҳимдир. Илло, ўғлингни илмга иқтидори бор эрса, ўз тарбиятимда олиб қолурман...

Иккинчи олим фақат икки шогирд билан дўстиникига келганига орланибди. Фозилман, деб, манманланиб кетганини англабди.

...Эй, фарзанд, бу ҳикоятдан хулоса чиқариш ўзингга ҳавола.

Саховат салтанатининг мевалари парвардигор яратган нарсалардек қўламли ва қимматлидир.

Оқилжон ҲУСАН

Янги йил

(Мухлисанинг шеъри)

Янги йилда бир ёш ошдик,
Баланд бўлар бўйларимиз.
Тинч замонда яйрайверар,
Бизнинг қўшиқ,
куйларимиз.
Китобларга тўлиб кетсин,
Дарсхонамиз, уйларимиз.
Китобларни ўқиб-ўқиб,
Ўсар фикру, уйларимиз.

«ТОПИШМОҚЛАР» ЧАЙНВОРДИ

Азиз ўқувчилар! Қуйидаги халқимиз ва ижодкорлар қаламига мансуб топишмоқлар жавобини топиб, шаклга ёзиш билан топқирлигингизни синаб кўринг.

1. Янги йилнинг меҳмони,
Болажонлар қувончи.
2. Оламга машҳур у,
Номи учмас, мангу.
3. Тоғларда ўсар жойи,
Қояларнинг чиройи.
Қиш келганда ўртоқжон,
Уйимизда у меҳмон.
4. Шу кўчанинг бошида,
Тилла эгар қошида.
Буни топган кишилар,
Юз йигирма ёшида.
5. Сен ичида турсанг тикка,
Олиб чиқар юксакликка.
6. Катта қути кўзи бор,
Кўп томоша сўзи бор.
7. Учини қоғозга қўйсам,
Турли-туман гул ёзар.
8. Бесўнақай гавдаси,
Жуда иссиқ пальтоси.
9. Беш бармоғи бор,
Тирноғи йўқ.
10. Матода қўш тавақа,
Ажаб қути ясарлар.
Олдига қўш қаторлаб,
Суяк қулф осарлар.
11. Бир дўстим бор ажойиб,
Агар ким унга боқса,
Кулиб боқар жилмайиб.
12. Оби ҳаётга йўлдир,
Сўнгги макони кўлдир.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -018.
9036 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй